



Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
25-aprel,
shanba
№49
(5269)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни. Шу муносабат билан Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳар йили ўз шиорини эълон қилади. Масалан, ўтган йилни «Сунъий интеллект даврида меҳнат хавфсизлиги: янги қақриқлар ва ечимлар», деб номлаган бўлса, 2026 йилда бу сана

«СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК-ИЖТИМОЙ МЕҲНАТ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК»

шиори остида ўтиши эълон қилинди.

3-саҳифада ўқинг...

2026 йил 24 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорак якунлари таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Тафсилотлар билан батафсил танишиш учун қуйидаги хаволага ўтинг:

БОЛАЛАР БИР-БИРИНИ СУДРАБ КАТТА БЎЛАДИ(МИ)?

ёхуд кетма-кет туғишнинг бизга маълум ва номаълум оқибатлари ҳақида

Мақолани ўқиш учун қуйидаги хаволага ўтинг:

Халқаро ҳамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ ХАЛҚАРО КОНФЕДЕРАЦИЯ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНДИ

Москва шаҳрида Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг XII съезди бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Конфедерация фаолиятини таҳлил қилиш ва келгуси устувор вазифаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этди.



Съезд доирасида 2021 йил май ойидан 2026 йил апрелигача бўлган даврда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Иштирокчиларга Ижроия қўмитанинг кенг қамровли ҳисоботи тақдим этилди. Унда амалга оширилган лойиҳалар, илгари сурилган ташаббуслар ҳамда соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳамкорлик йўналишлари ёритилди. Шу билан бирга, Тафтиш комиссиясининг фаолияти, хусусан, молиявий-ҳўжалик ишлари ва бошқарув тизими шаффофлигига доир масалалар атрофича кўриб чиқилди. Аъзолик ва молиявий бадалларни шакллантириш ҳамда тўлаш тартибига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Кун тартибига мувофиқ, амалдаги раҳбар органларнинг ваколатлари яқунлашиб, янгилари шакллантирилди. Конфедерация Президенти, вице-президентлари ва Бош

қотиби сайланди, Ижроия қўмита ҳамда Тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди. Съезднинг энг муҳим якунларидан бири сифатида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг раиси Фарҳоджон Хананияев Конфедерация вице-президенти лавозимига сайланганини қайд этиш жоиз. Бу мамлакатимизнинг халқаро касба уюшмалари майдонидаги фаол иштироки ва соҳадаги

ҳиссасига берилган юксак баҳо сифатида эътироф этилди. Анжуман низоҳосида Конфедерациянинг халқаро ҳамжиҳатлик тамойилларига содиқлиги, касба уюшмалари ҳаракатини мустақамлаш ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги интилишлари яна бир бор эътироф этилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



1211
ЭШИТАДИ...

БИР ҚЎНҒИРОҚНИНГ ШАРОФАТИ

Ғаллаороллик Нодира Абдуллаева бир буйраги ишламай қолгач, даволаниш чораларини қидира бошлади. Аммо уринишлари зое кетди. Оқибатда доимий тиббий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолди. Ўтган йили ногиронлигини тасдиқлаш мақсадида тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси кўригидан ўтди. Шу жараёнда унга 2 йил муддатга II гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Лекин...

Жорий йил февраль ойидан бошлаб, Нодира Абдуллаевага нафақа тўлаш тўхтатилди. Бунинг сабабини суриштирганида қайта ҳужжат тайёрлаш талаби қўйилди. Бундан норози бўлиб, тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилди. Муаммо барибир ҳал этилмади.

Шундан сўнг у Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқиб, амалий ёрдам сўради. Ўз навбатида, ҳолат масъуллар томонидан атрофича ўрганилди ва аризачининг талаби қаноатлантирилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

ГУЛАНДОМГА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Янгибозорлик Гуландом Тўраева турмуш ўртоғи билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, кредит олишга аҳд қилди. Эзгу мақсадда зарур ҳужжатларни тўплади. Аммо ҳоким ёрдамчиси ҳали лимит очилмаганини айтиб, унга тавсиянома бермади. Банк нафил талаб қилгани эса, Гуландомни баттар асабийлаштирди. Шу боис Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, масъулларга муддаосини айтди.

Шундан сўнг ҳоким ёрдамчиси унинг хонадонига келиб, чорвачилик билан шуғулланиши учун шарт-шароити бор-йўқлигини текширди. Гуландомнинг хомиладорлиги инобатга олинаб, турмуш ўртоғи Мансурбек Зариповга 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиш ҳақида тавсиянома берилди.

Қисқа фурсатда оилага тижорат банки томонидан чорвачилик йўналишида кредит ажратилди.

Муҳаббат ТЎРАБОВЕВА
«ISHONCH»

**Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳикмати...**
Алишер Навоий

Йиғилиш

ЖАМОА КЕЛИШУВИ ИЖРОСИ: НАТИЖА ВА МАСЪУЛИЯТ ёхуд 14 соатлик меҳнатга ким жавоб беради?

«Ҳозир вилоятдаги баъзи хорижий корхоналарда ишчилар ҳатто 14 соатгача ишлатилапти, бунга чора кўриш керак», «Айрим хорижий корхоналарда ойлик маош 1 ярим миллион сўмга ҳам етмайди, меҳнатнашлар манфаатларини ҳимоя қилиш даркор», «Хорижий корхоналар юртимиз меҳнат қонучилигига риоя қилиши шарт» каби долзарб фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгашида бўлиб ўтган ҳудудий жамоа келишуви йиғилишида бот-бот янгради.



Жамоа келишувининг 2025 йилда бажарилиши бўйича Уч томонлама комиссиянинг фаолиятига бағишланган ушбу йиғилишда Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, шунингдек, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий йўналишларда фаолият юритувчи бир қатор бошқармалар ҳамда жамоат ташкилотлари масъуллари иштирок этдилар.

Йиғилиш давомида масъуллар томонидан Ҳудудий жамоа келишувида белгиланган мақсад-вазифаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлари тўғрисида ахборот бериб ўтилди.

Қайд этилишича, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларига кириштирилиб, Касаба уюшмалари томонидан мо-

нитинг олиб борилмоқда. Ўтган йили меҳнат инспекторлари томонидан 95 та хўжалик юритувчи субъект ва 67 та бюджет ташкилотининг шу йўналишдаги фаолияти текширилди. Қарийб 3,5 минг нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларга 881,8 млн. сўм миқдоридан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди. Хусусан, «Автонефть транс» МЧЖ ходимларига 750 млн. сўм иш ҳақи бўйича қарздорлик, Паркент туманидаги «Zhonstzan Chemical» МЧЖ кўшма корхонаси ходими Ё. Рустамовга иш пайтида олган тан жароҳати учун 44 млн. сўм миқдоридан зарар тўлови, Оҳангарон туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Г. Раҳмоновага иш пайтида содир бўлган бахтсиз ҳодисада олган тан жароҳати натижасида меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун 47 млн. сўм миқдоридан зарар тўловлари тўлаб берилишига эришилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 33 та мажлисида иштирок этилди, 4 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди ҳамда 141,9 млн. сўм маънавий зарар ва иш ҳақи ундириб берилди.

Қолаверса, Тошкент вилояти кенгаши томонидан стационар турдаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 13 минг нафардан зиёд бола соғломлаштирилди, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган 38 нафар кексалар ҳамда 51 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга санаторийларга нархи 400 млн. сўмдан ортқ бепул йўлланмалар берилди. Шунингдек, Касаба уюшмалари томонидан 29 минг нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-бош ва ўқув қуроллари тарқатилди.

Кизгин мунозараларга бой бўлган тадбирда амалиётда учраётган муаммо ва камчиликлар юзасидан фикр алмашилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўткир РАШИДОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Таҳлил

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилишида тизим фаолиятининг асосий йўналишлари, эришилган натижалар ҳамда устувор вазифалар муҳокама қилинди.

АЪЗОЛИК ҚАМРОВИ ОРТИБ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Йиғилишни вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева олиб борди.

Таҳлилларга кўра, йилнинг биринчи чорагида вилоятда 46 та янги бошланғич Касаба уюшмаси ташкил этилиб, 1858 нафар ходим аъзоликка жалб қилинган.

Ижтимоий шерикликни ривожлантиришга ҳам тизимли ёндашилмоқда. 8559 та юридик шахснинг барчасида жамоа шартномалари имзоланиб, улар орқали 379 мингдан ортқ ходим манфаатлари қамраб олинган. 2025 йил якунларига кўра, жамоа шартномалари доирасида бир ходимга ўртача 8,8 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфлангани ижтимоий ҳимоя механизмининг амалий самарасидир.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик масалаларига ҳам устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Февраль-март ойларида тармоқ кенгашларига аъзо 63 та бошланғич Касаба уюшмаси кўмитаси раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва мутахассислар иштирокида семинар-тренинглр

ташкил этилди. Уларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш орқали хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи чорақда кенгашга келиб тушган 34 та мурожаатнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Натижада Касаба уюшмасининг олти нафар аъзоси ҳуқуқлари тикланди ҳамда улар фойдасига 243 млн. 496 минг 960 сўм маблағ ундирилиши таъминланди.

Ҳисобот даврида 470 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Жумладан, 1 нафарига тўлиқ тўлов асосида, 266 нафарга имтиёзли, 12 нафарига бепул йўлланмалар ажратилди. Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан дам олдирилганларнинг 83 нафари пенсионерлардир.

Ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2602 та бошланғич

ташкилотда «Маърифат соатлари» ташкил этилиб, уларда 194 721 нафар ходим иштирок этди.

Шу даврда юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 2602 та ташкилотда соғломлаштириш машғулотлари йўлга қўйилиб, 170 минг нафардан ортқ ходим қамраб олинди. 2481 нафар ходимнинг концертларга, 675 нафарининг театрларга, 3054 нафарининг музей ва кўрғазмаларга ташрифлари ташкил этилди.

Ёш аъзоларни тизимли кўллаб-қувватлаш чоралари кўриломоқда.

Ижроия қўмита йиғилишида амалга оширилган ишлар таҳлили билан бирга, келгусидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Мухим масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қаҳрамон МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими бошлиғи

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Кўп қаватли уйда яшайман. Тепадаги кўшнларим кириш йўлагини эгаллаб олиб ва тутунга тўлдириб, сигарет чекиб ўтиришади. Бу ҳам етмагандай, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, бақир-чақир қилишади. Ҳатто икки-уч марта ёнғин чиқаришларига сал қолди. Тартибга чақирсак, «Биз ҳам шу ерда яшаймиз, бунга ҳақимиз бор», дейишапти. Уларга қандай чора кўрс бўлади? Бунинг учун кимга мурожаат қилишимиз керак?

Лола САЛИМОВА
Олмалиқ шаҳри

ОДОВСИЗ КЎШНИЛАРНИ НИМА ҚИЛСАК БЎЛАДИ?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига кўра хонадонли уйларда яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, фуқаролар улардан белгиланган мақсадларда фойдаланиши керак. Шунингдек, бундай жойларни тегишли тартибда сақлаши, зарур таъмирлаш ишларини бажариши, санитария ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя этиши, ресурсларни тежаш чораларини кўриши зарур.

Кўшнларингиз ўз ҳаракатлари билан сиз ва бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зиён етказмоқда. Бунинг учун жавобгарлик ва жазо чоралари белгилаб қўйилган. Масалан, жамоат жойларида, жумладан, кўп квартиралы уйлар подъезди ва йўлаклари, лифт ҳамда ертўлада тамаки маҳсулоти истеъмол қилгани учун уларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 561-моддаси бўйича жазо солиниши мумкин.

Демак, сиз тартиббузар кўшнларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, профилактика инспекторига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Мулоқот

ИРОДА ЭНДИ ИШСИЗ ЭМАС

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев Бағдод туманида ёшлар билан мулоқот ўтказиб, уларнинг қизиқишлари, орзу-ниятлари, келажақ режалари ҳақида суҳбатлашди.

Тадбирда ёшларни ва-танпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни тўғри йўлга йўналтириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жараёнда ишсиз юрган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларга тикув машинаси топширилди.

– «Раҳбар ва ёшлар» учрашувида қўлимдан бичиш-тикиш келишини, аммо ишсиз

юрганлими айтдим, – дейди Иродахон Абдуллаева. – Шундан сўнг менга тикув машинаси беришди. Энди ишсиз эмасман. Тикувчилик билан астойдил шуғулланаман.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Семинар

ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари Касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти бирлашган қўмитаси тизимидаги «INDORAMA AGRO» МЧЖ хорижий корхонасида меҳнат муҳофазаси бўйича семинар ўтказилди. Унда иш жойларида шарт-шароитларни яхшилаш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш ва ходимлар хавфсизлигини таъминлаш

борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Шу жараёнда мамлакатимизда жорий қарорлар, жумладан, меҳнат муҳофазасига оид янги меъёрий ҳужжатлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда халқаро тажриба ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хавфсизлик маданиятини юксалтириш, касб касалликларининг олдини олиш ва профилактик чора-тадбир-

ларни кучайтириш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Илҳом ОМОНОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари Касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси раиси



ЖЎШҚИН ВА ЮҚОРИ КАЙФИЯТДА

«Қизил сув» дам олиш масканида «MeteoInfokom» давлат муассасаси ҳамда Авиация ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида спартакиада ташкил этилди.

Спортнинг футбол, шахмат, шашка, арқон тортиш турлари бўйича ўтказилган мусобақалар «MeteoInfokom» ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг jismoniy ва маънавий салоҳиятини ошириш, шунингдек, жамоада ҳамжиҳатлик ҳамда дўстона муҳитни мустаҳкамлашни мақсад қилган эди.

Футбол ўйини катта қизиқиш ва му-

росасиз курашлар остида кечган бўлса, шашка ва шахмат баҳсларида ходимларнинг мангикий фикрлаши, стратегик ёндашуви, сабр-тоқати синовдан ўтказилди. Арқон тортиш эса жамоавийлик, куч ва бирдамлик рамзига айланди.

Спартакиада якунида голиб ва совриндорлар ташкилотчлар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Ўз муҳбиримиз



Спартакиада

бетақроқ тарихий ёдгорликлар билан танишиш бахтига муяссар бўлди.

Биз, меҳнаткашларга мамлакатимизнинг турли ҳудудларига бепул, мазмунли саёҳатлар ташкил этаётгани учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига миннатдорлик билдираемиз.

Лобархон РУСТАМОВА,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ўз муҳбиримиз

Хар бир одам нимадир бажармоқ учун дунёга келади.

Ер юзиде яшаб юрган хар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор.

Эрнест Хемингуэй

Оғриқ тишлар...

ЧҲКАЁТТАН ДАРЁ

ёхуд тадбиркорни ҳақ деб,
табиатни қақшатиш керакми?

лабни ҳам кучайтиргани рост. Бироқ, карьернинг фаолияти жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

– Дарё ўзани йилдан-йилга емирилиб борапти, – дейди шу ерлик Юнус Ҳўжаназаров. – Натижада икки қирғоқдаги Янгиариқ ва Сағаноқ қишлоқларини боғлаб турувчи кўприкни ёғингарчилик мавсумида ет олдиб кетди. Ўзимиз ҳашар йўли билан яна автобиллар ўтиши учун кўприк курамыз. У ҳам кўпга бормади. Болаларнинг мактаб ва боғчага қатнаши муаммага айланади.

Китоб шахрининг биқинида жойлашган Сағаноқ қишлоғи аҳолиси эса кўприк йўқлиги сабабли бозорга бориб келиши учун 20-25 километр йўл босишга мажбур бўлмоқда. Уларнинг айтишича, такси хизмати ҳам бир неча баробар қимматлашган. Пийдалар ўтиши учун кўприкнинг жан таг қисмлари очилиб, қулаш эҳтимоли ортиб кетган.

– Ёшим етмиш еттида, – дейди шу қишлоқлик Тоғаймурод Ғойбов. – Ҳозир таъмирталаб ахволга келиб қолган кўприк 1992 йилда қурилган. Унгача ҳам иккита шундай кўприк бор эди. 1983 йилда карьер қурилди. У вақтларда корхона эҳтиёжига қараб кум-шағал олар эди. Кейинги йилларда корхона бошқа МЧЖ ўтгач, меъёр бузилди, назаримда. Ҳозир дарё ўз ўзанидан 7-8 метрга тушиб кетган.

Одамларнинг айтишича, кунига 35-37 тагача «НОВО» русумли юк ташувчи автомобилларда кум-шағал олиб чиқилаётгани дарё ўзанининг кундан-кун пасайишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, оғир техникаларнинг ҳаракати маҳалланинг йўлларига ҳам зарар етказган.

– Йўлларимиз ўйдим-чуқур бўлиб кетди, ҳаракатланиш жуда қийин, – дейди Дилшод Нодиров. – Натижада одамлар йилига икки мартагача автомашинасини таъмирлашга мажбур бўлмоқда. Карьернинг шовкинни айтмайсизми?! Кечаси билан «Тақир-туқур» қилиб ускуналари ишлаб ётади. Тунги вақтларда оғир юк ташувчи техникалар тиним билмай қатнайди. Улар ҳаракатидан тебраниш юзага келиб, йўл чегидидаги уйларда ёриқлар пайдо бўлган.

Туман ҳокимлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими билан ҳамкорликда ҳозирча йўлларнинг қатнов қисмига белгиланган оғирлик меъёрлари бўйича йўл белги ўрнатиш ва белгига амал қилмаган оғир юк ташувчи техникалар ҳайдовчиларини жаримага тортишни муаммага ечим, деб билишмоқда ва бу бўйича ишлар ҳам бошлаб юборилган. Ҳолат ҳақиқатда ўйга толдиради. Бир то-

монда емириб бораётган дарё, иккинчи томонда эса азият чекаётган аҳоли. Биз тадбиркордан ҳолат юзасидан изоҳ сўраганимизда у интервью беришдан бош тортиди ва қонуний лицензия асосида фаолият юритишини, 2043 йилгача 300 минг куб кум-шағал олишга руҳсатли борлигини, ушбу маҳсулотни хоҳласа бир кунда, хоҳласа 2043 йилгача олиш ҳуқуқига эга эканини маълум қилди.

Тадбиркорнинг таъкидлашича, карьернинг кунига қанча маҳсулот ишлаб чиқараётгани солиқ идоралари томонидан назоратга олинган, қолаверса, қазил ишларини UzCosmos агентлиги ҳам кузатиб боради ва унга белгилаб берилган майдондан чиққудай бўлса, дарров тегишли идоралар бундан хабар топади.

– Бу кон 1983 йилда давлат рўйхатига олинган бўлиб, кон сифатида тасарруф қилинган, – дейди Тоғ-кон саноати устидан назорат қилиш инспекцияси Жанубий-минтақавий инспекция бош мутахассиси Ғиёс Аҳмедов. – 2018 йилда эса корхонага лицензия расмийлаштириб берилган. Корхонанинг 2025 йилгача бўлган фаолияти бўйича бир неча маротаба текширишлар олиб борилиб, келгуси йиллар учун берилган иш режасига амал қилмагани аниқланиб, ҳуқуқий баҳо бериш учун тўп-ланган ҳужжатлар вилоят прокуратурасига юборилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, корхона руҳсатнома олишдан олдин техник иқтисодий асос норматив ҳужжатини тайёрлаши шарт. Ушбу ҳужжатга кўра берилган ҳажмини олиб чиқиб кета олади.

Гапнинг индальосини айтганда, дарё йилдан йилга чўкиб бормоқда. Уни кутқариш учун эса қўл узатадиган масъуллар топилмапти. Ҳўш, тадбиркор фаолияти қонун доирасида лицензиялаштирилгани у табиатга зиён етказса бўлиши мумкинлигини афғлатадими? Биз воқеа жойига борганимизда, афсуски, туманининг экологияга масъул ходимлари Қарши шаҳрида экани маълум бўлди. Ҳолат юзасидан улардан изоҳ ола олмадик. Балки аниқланган камчиликлар юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар устида иш олиб бораётган вилоят прокуратураси ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериб, ушбу вазиятнинг ижобий томонга силжишига ҳисса қўшар...

Биз вазиятни бориб, қўриб, фуқаролар билан гаплашиб, қонун доирасида ҳолисона ёритдик. Изоҳини эса мутасаддилардан кутамиз.

Баҳоидир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Бугуннинг гапи

Глобал иқлим ўзгариши табиат ва наботот олами тобора жиддий исканжага олмақда. Унинг ноқўя таъсири бугун хар қадамда яққол сезилмоқда. Бу йил гарчи чорвачилик учун нисбатан қулай келган бўлса-да, бошқа ташвишлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, сўнгги «янгилик» Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан эълон қилинди. Айтишларича, чорвага юқумли оқсил (яшур) касаллиги таҳдид солаётган бир шароитда яна бир муқаррар хавф – чигирткалар «лашкар тортиб» келаётган эмиш...

САМАРҚАНД ЧИГИРТКА ХАВФИДАН ХОЛИМИ?



Бу зараркундларга қарши курашиш тизими ташкил этилаётган бўлса-да, унинг хавфидан тўлиқ халос бўлиш имкони ҳали топилганича йўқ. Минтақамиз чигирткалар кўпайиши ва тарқалиши учун жуда қулай. Шу боис туҳум қўйиб, чорва учун асосий озуқа манбаи ҳисобланган яйловларга жиддий зарар етказмоқда.

Самарқанд вилоятининг қатор туманларида чигирткаларнинг тез суръатларда кўпайгани кузатишмоқда. Бу эса яқин ойларида хавф янада кучайиши мумкинлигини далил қилиб беради.

Келинг, шу ўринда ўтган йилги чигиртка билан кураш тарихига бир назар ташлайлик. Вилоят чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати томонидан февраль-март ойларида 70 минг гектар майдонда қузатув-назорат ишлари амалга оширилган эди. Шу аснода 66 минг гектар майдонга кимёвий ишлов бериш режалаштирилган.

Амалда эса бундан бир неча баробар кўп майдон-

ларда зарарли ҳашаротга қарши курашишга тўғри келди. Бу эса хавфни аввалдан аниқ баҳолаш ҳар доим ҳам осон эмаслигини кўрсатди. Ҳарқалай, ўз вақтида қўрилган чорва-тадбирлар натижасида хавф бартафат этилди ва чигиртка балоси жиловланди.

Яқинда Қўшработда бўлганимизда жорий кўламлиқ чигирткалар яна хавф туғдираётгани ҳақидаги нохуш хабарни эшитдик. Маҳаллий аҳоли тумандида тоғолди яйловларнинг пастқам қисмларида чигиртка галалари хаво исиниши кўтиб, кенг миқёсда хуружга хозирлик кўраётганини айтишмоқда. Бу вазиятга бефарқ қараб бўлмаслигини далил қилиб беради.

Ҳўш, чигирткалар «жангга» шайланаётган бир шароитда, қай қарши кураш хизмати қай даражада ҳозирлик кўрган?

– Жорий йилда 75 минг гектар майдон қузатувга олиниб, шундан 27 минг 800 гектарда чигирткалар пайдо бўлиши башо-

рат қилинган эди, – дейди Самарқанд вилояти чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати бош агрономи Жамол Абдуғаниев. – Кўкламда 17 минг гектар яйловда чигирткалар кўпайиши аниқланиб, ҳозирга қадар 16 минг гектардан ортиқ майдонга кимёвий ишлов берилди.

Мутахассиснинг таъкидлашича, чигирткаларнинг кўпайиши ҳозирча Булунғур, Қўшработ, Нуробод ва Иштихон туманларида кузатилади. Мазкур ҳудудларда 6 та пикап, 12 та трактор, 2 та сув ташувчи автомашина ҳамда қарий 400 та қўлда пурақич воситаси орқали зараркундларга қарши чоралар қўрилган.

Айни пайтда соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳлар тоғ ва тоғолди ҳудудларда мунтазам қузатув ишлари ўтказмоқда. Саъй-ҳаракатлар чигирткалар кенг тарқалишининг олдини олса, ажаб эмас.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини

«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ КАСКА ВА ТЕХНИКАДАН ИБОРАТ ЭМАС»

Иш жойидаги руҳий соғломликнинг аҳамияти ҳақида суҳбат

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини. Шу муносабат билан Халқаро Меҳнат Ташкилоти хар йили ўз ширини эълон қилади. Масалан, ўтган йилни «Сунъий интеллект даврида меҳнат хавфсизлиги: янги чақириқлар ва ечимлар» деб номлаган бўлса, 2026 йилда бу сана «Соғлом психологик-ижтимоий меҳнат муҳитини таъминлайлик» ширини остида ўтиши эълон қилинди. Меҳнат жабҳасида психологик-ижтимоий муҳитнинг аҳамияти, мамлакатимизда бултур меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда кўрсаткичларни таҳлил қилиш мақсадида Касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир Нодира Ғойбназарова билан мулоқот уюштирдик.

– Нодира опа, 2026 йил учун «Соғлом психологик-ижтимоий меҳнат муҳитини таъминлайлик» ширини танланишига нима сабаб, деб ўйлайсиз? Бу масала юртимизда қанчалик долзарб?

– Бугунги кунда меҳнат муносабатлари кескин ўзгаришти, рақобат кучаймоқда, иш юкларлари ортиб бормоқда. Рақамли технологиялар эса инсондан доимий диққат ва тежорларни талаб қилади. Оқибатда ходимларда стресс, руҳий зарар ва касбий касалликлар кўпаймоқда. Шунинг учун Халқаро Меҳнат Ташкилоти айнан психологик-ижтимоий муҳитга ургу бермоқда. Чунки соғлом муҳит бўлмаса, техника хавфсизлиги ҳам тўлиқ самара бормади. Яъни бугунги жамиятда каска эмас, соғлом муҳит кўп нарса ни ҳал қилмоқда. Инсон ўзини хавфсиз ва қадрланган ҳис қилмаса, муваффақиятли ишлай олмайди. Масалан, иш жойидаги босим ва депрессия оқибатида хар йили 840 минг киши вафот этади. Дунё иқтисодиёти эса йилга 1 триллион зарар кўрмоқда. Бир йилда ўртача 12 миллиард иш кунини йўқотишмоқда. Дунё ишчиларининг 20 фоизи ўзини ёлғиз ҳис қилади. 41 фоизи эса хар кунини иш вақтида стресс ҳолатларида дуч келишини таъкидлаган. Мана шу кўрсаткичларнинг ўзи ҳам иш жойларида соғлом психологик-ижтимоий меҳнат муҳитини ривожлантириш қанчалик зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боис 28 апрелнинг айнан мазкур ширин билан ўтказилаётгани айни муудо, деб ўйлайман.

Масала юртимиз учун ҳам долзарб. Чунки мамлакатимизда меҳнат бозори жадал ўзгаришти. Унда ёшлар улуши юқори, хизмат кўрсатиш ва саноат соҳалари кенгаймоқда, рақобат кучаймоқда. Бундай шароитда инсон омилли, яъни ходимнинг руҳий ҳолати ва иш муҳити ҳал қилувчи кучга айланади. Халқаро тадқиқотларга кўра, иш жойидаги стресс ва руҳий босим меҳнат унумдорлигини ўртача 15–20 фоизга пасайтиради. Айрим ҳолатларда бу кўрсаткич

янада юқори бўлиши мумкин. Корхонада яхши техника ва технология бўлса-ю, носоғлом муҳит ҳукмронлик қилса, катта иқтисодий йўқотишлар юзага келади. Айрим жамоаларда ходимлар алмашинуви юқорилиги кўп ҳолларда маънавий эмас, балки носоғлом муҳит, раҳбар билан муносабат ёки доимий босим билан боғлиқ бўлади. Бу эса корхона учун кўшимча харажатга – янги ходимни ўқитиш ва мослаштиришга вақт йўқотишига олиб келади.

Яна бир муҳим жиҳат – хавфсизлик. Амалиёт ширини кўрсатадики, руҳий зарар ва стресс ҳолатида ишлаётган ходимларда хато қилиш эҳтимоли кўпроқ. Айниқса, бу саноат, курилиш ва транспорт соҳаларида жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугун меҳнат муҳофазаси фақат ходимларга каска ва техника бериш билан чекланиб қолмапти.

– Амалиётда ходимлар кўпроқ қандай психологик босимларга дуч келишмоқда? Ўзбекистонда бу борада энг кўп учрайдиган муаммолар нималардан иборат?

– Психологик босим шакллари деярли барча давлатларда ўхшаш, фақат намоён бўлиш даражаси ва очиклиги фарқ қилади. Дунёда кенг тарқалган муаммолардан бири бу ортиқча иш юклар ва доимий стресс. Масалан, Европа давлатларида ходимларнинг қарий ярми иш жойини стресснинг асосий манбаи сифатида кўрсатишади. Бу асосан қаттиқ дедайллар мавжудлиги ва вақт босими, иш-ҳаёт мувозанати бузилаётганида кўринади.

Иккинчи жиддий муаммо – жамоавий психологик босим. Бу ходимга қарши мунтазам равишда қийин талаблар қўйиш, уни камситиш, яққалаб қўйиш ёки ишдан сиқиб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар бўлиб, инсонда депрессия, хавотир, уйку бузилиши ва ишдан қониқмасликни келтириб чиқаради. Масалан, ўтган йили Ҳиндистонда АТ соҳасида ишловчи муҳандис ўз жонига қасд қилган ва бунини меҳнат муҳофазаси масъуллари иш жойидаги узулқис психологик босим билан боғлашгани. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, ишчиларнинг чарқоқ ҳолатида юриши 10 йил олдин 30-40 фоиз бўлган бўлса, бугунга келиб 70-75 фоизга етган. Дунёда хар йили 1,9 миллионга яқин инсон иш билан боғлиқ касаллик ва жароҳатлар туфайли вафот этмоқда. Бу жуда катта рақамлар бўлиб, аллақачон глобал муаммага айланган.

Ўзбекистонга келсак, биздаги муаммолар ҳам шу тенденцияларга жуда яқин, аммо айрим ўзига хос жиҳатлари бор. Биринчидан, амалда баъзи жойларда хануз «қаттиқ бошқарув» услуби сақланиб қолган. Бу эса ходимда кўрқув, ишонсизлик ва руҳий босимни келтириб чиқаради. Иккинчидан, ходимларнинг вазифалари ноаниқлиги боис уларга ортиқча иш юклар тўлатлари кўп учрайди. Бу доимий стресс ва ҳушунмовчиликларга сабаб бўлади. Учунчидан, кадрлар қўнимсизлиги. Амалиётда қузатиляптики, айрим ташкилотларда ходимлар иш ҳақи эмас, балки жамоадаги носоғлом муҳит сабаб ишни тўрқ этмоқда. Тўртинчидан, психологик муаммоларни очик муҳокама қилмаслик. Бизда кўпинча стресс ёки руҳий зарар муаммо эмас, олди ҳолат, деб қабул қилинади. Бу эса муаммони чуқурлаштиради. Кискасиз, психологик босим кўзга кўринмас, лекин жуда хавфли омил. У нафақат инсон саломатлигига, балки иш самарадорлиги ва хавфсизликка ҳам таъсир кўрсатади. Юртимизда мазкур масала тобора очик муҳокама қилинаётгани яхши. Навбатдаги асосий вазифа муаммоларни тизимли равишда ҳал қилишидир.

– Ташкилот-корхоналарда соғлом психологик муҳит яратиш жараёнида қандай уюшмалари қандай иштирок этмоқда?

– Касаба уюшмалари, аввало, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали психологик барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, иш вақтининг меъёрлаштирилиши, дам олиш ҳуқуқининг таъминланиши ва адолатли меҳнат шароитлари яратилишида уларнинг иштироки жуда муҳим. Негаки, бу омилар тўғридан-тўғри ходимнинг руҳий ҳолатига таъсир қилади.

Шунингдек, касаба уюшмалари жамоадаги муаммоларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишда воситачи вазифасини ҳам бажаради. Ходим кўпинча ўз муаммосини айтолмаслиги мумкин. Аммо касаба уюшмаси орқали уни етказиш имкониға эга. Ҳақиқий касаба уюшмаси раиси иш жойидаги бундай муаммоларни кўра олиши ва икки томон манфаатидан келиб чиққан ҳолда тўғри ечим топиши зарур. Бундан ташқари, касаба уюшмалари томонидан психологик саломатликка оид тренинглари, семинарлар ва маърифий тадбирларни ташкил этиш ҳам муҳим. Боиси, мазкур тадбирлар ходимларда стрессга чидамлик, ўз муаммосини

тўғри йўл билан айта олиш, мулоқот маданияти ва жамоада ишлаш қўникмаларини ривожлантиради.

Муҳим масалалардан яна бири жамоа шартномалари. Уларда меҳнат шароитлари, иш вақти, дам олиш тартиби ва ижтимоий кафолатлар белгилаб қўйилган. Касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари жамоа шартномаси бандлари бажарилиши учун барча чораларни кўриши лозим. Чунки ҳужжат ходимлар саломатлиги, иқтисодий ва моддий манфаатдорлигини таъминлашга қаратилгани учун ҳам унинг бажарилишининг ўзиёқ энг катта стресслар олдини олувчи омил бўлади.

– Ўтган йилда мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қандай энг муҳим ишлар амалга оширилди? Меҳнат соҳасида бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичи қандай бўлди?

– Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида ўтган йилда бир қатор амалий ишлар бажарилиди. Корхона ва ташкилотларда жамоатчилик назорати кучайтирилиб, касаба уюшмаси фаоллари иш жойларида хавфсизлик талабларига риоя этилишини мунтазам ўрганиб боришди.

Аниқланган камчиликлар бўйича иш берувчиларга 238 та (касаба уюшмалари томонидан - 566 та) тақдимномалар киритилди. Ходимлар учун меҳнат хавфсизлиги бўйича 6 мингдан (касаба уюшмалари томонидан - 400 дан ортиқ) ўқув семинарлари ва тушунтириш ишлари ташкил этилди. Айниқса, хавфли соҳаларда (курилиш, саноат) ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масаласи назоратга олинди. Бахтсиз ҳодисалар юз берганда, касаба уюшмалари уни ўрганишда иштирок этиб, 961 нафар (касаба уюшмалари аъзо ташкилотларда 306 нафар) жабрланган ишчи ҳимоя қилинди ва уларга компенсация олинди кўмакланди. Бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичига келсак, 2025 йилда 849 та (касаба уюшмалари аъзо ташкилотларда - 254 та) бахтсиз ҳодиса юз берди, унда 961 нафар (касаба уюшмалари аъзо ташкилотларда 306 нафар) одам жабрланган бўлса, 248 нафар (касаба уюшмалари аъзо ташкилотларда 69 нафар) ўлим ҳолати қайд этилди. Бунинг асосий сабаблари иш жойларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмагани, айрим иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазасига иккинчи даражали масала сифатида қа-

ралгани, ходимларнинг етарли даражада ўқитилмагани ва ортиқча иш юклараси ҳамда чарқоқдир. Рақамлар ундан олдинги йилларга нисбатан бироз яхшилланганига қарамадан, ҳолат ҳамон жиддий. Шунинг учун, бундан кейин ҳам жамоатчилик назоратини тизимли давом эттириш, корхоналарда касаба уюшмаси ролини ошириш, иш берувчиларнинг масъулиятини кучайтириш ва ходимларни меҳнат хавфсизлиги бўйича мунтазам ўқитиш энг муҳим вазифаларимиз бўлиб қолмоқда.

– Ходимлар ва иш берувчиларга уларнинг меҳнат муҳофазаси ҳамда ижтимоий-психологик меҳнат шароити юзасидан қандай таъсиялар берасиз?

– Бугунги кунда иш вақти тугагандан кейин қилиб ишлашга мажбур бўлиш, дам олиш имкониятининг чеклангани ва ходим фикри инобатга олинмаслиги стресс, чарқоқ ва ҳатто депрессияга олиб келмоқда. Шунинг учун ходим соғлиги ва ҳуқуқларини биринчи ўринга қўйиши керак. Иш жараёнида белгиланган танлаффуслардан фойдаланиш, ортиқча юкларга берилгандан бу ҳақда эътирозини очик айтиши, хавфли ёки ноқулай шароитда ишлашга рози бўлмаслик керак. Агар иш жойида таҳқирлаш, босим ёки турли зуравонлик ҳолатлари кузатилса, бунини яширмадан, дарҳол раҳбарият, кадрлар бўлими ёки касаба уюшмасига билдириш лозим. Энг муҳими, хар бир ходим ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканини унутмаслиги шарт.

Иш берувчилар эса меҳнат муҳитини фақат иш натижаси билан эмас, балки инсон саломатлиги ва руҳий ҳолати билан ҳам баҳолаши керак. Ходимларга меъерий иш вақти ва ҳақиқий дам олиш имкониятини яратиш, ортиқча иш юкларасини камайитириш, раҳбарлар ва ходимлар ўртасида ҳурматга асосланган соғлом муносабатни шакллантириш муҳим. Жамоада адолат, очик мулоқот ва хавфсиз муҳит таъминланмаса, нафақат ходимнинг саломатлигига, балки корхонанинг иш самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бир сўз билан айтсам, ишчи ҳуқуқини билди, ўзини асраши, иш берувчи эса инсон қадрини ҳамма нарсадан устун қўйиши лозим. Ана шундагина самарали ва хавфсиз меҳнат муҳити шаклланади.

Зебо НАМАЗОВА
суҳбатлашди

Дунё инсон учун керак – одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган, шу боис ҳам дунё турибди.

Чингиз Айтматов

26 апрель – Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф туғилган кун



Иқро

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман бедапоянга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тогларинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.
Ё худбинман мен, ё бир содда касман мен –
Парижнинг энг гўзал рестораниларин,
Витта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат –
Уч кунда соғинсам нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улугим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам – базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳимим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳимим келади.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири



Абдуғани Жума пейзажи

«1XBET» УЧУН ПОТЕНЦИАЛ МИЖОЗ!

Ёки пул тикиб, ўйинчоқ ютиб олиш имконини берувчи «кран-автомат»лар ота-оналарни нега хавотирга солмоқда?

Яқинда телеграмда 50 мингдан зиёд обуначига эга бўлган каналларнинг бирида Андижон вилоятининг Олтинқул туманида яшовчи ота-оналар номидан хавотирли мурожаат эълон қилинди. Унда мактаб яқинига ўрнатилган «кран-автомат», яъни пул тикиб, юмшоқ ўйинчоқ ютиб олиш имконини берувчи кўнгилочар ўйин болалар хаёлини бузаётгани, ансарият ўқувчилар унга мункасида кетиб, егулик, дафтар-қалам ёки йўлкари учун берилган пулларини ҳам сарфлаб юбораётгани баён қилинади.

Эттиборлиси, мурожаатнинг изоҳлар қисмида кўплаб юртдошлар томонидан билдирилган мулоҳазаларда ўйинга нисбатан бирорта ижобий муносабатга кўзингиз тушмайди. Қайтанга, муаллиф кўтараётган масалани барча қўллаб-қувватлаган ва сўз бораётган ускуналар биргина Олтинқулда эмас, бошқа ҳудудларда ҳам кўпайиб кетгани танқид остига олинган. Энг даҳшатлиси эса, ота-оналардан бири «Бу ўйинлар ёш авлодни киморга ўргатиб, «1xBet» учун потенциал миждозлар етиштириб бераётгани»ни таъкидлайди. Хўш, бу қанақа ўйин ўзи? Билдирилаётган хавотирларда қанчалик асос бор?

«Хватайка» деб юритиладиган мазкур ўйин аппаратларининг ишлаш механизми таваккалчиликка асосланган. Яъни ўйин олдидан ускунага белгиланган «ставка»да пул соласиз (масалан, Андижон шаҳридаги ўйинларда бу миқдор 2 минг сўм, айрим жойларда 5 минг сўм). Шундан сўнг

сизга «яшил чироқ» ёнади ва махсус дастанга ушлаб, ойнаванд кути ичидаги тутқич билан бир уюм юмшоқ ўйинчоқ ичидан ўзингиз хоҳлаганини ушлашга ҳаракат қиласиз. Омадингиз келиб, ўйинчоқни махсус тешика тўширилсангиз, у сизники. Тутқич ичидаги ўйинчоқ белгиланган бурчакка боргунча сирпалиб тушиб кетдими, демак, ютқаздингиз. Гап шундаки, «ўлжа»ни бир деганда қўлга киритиш камдан-кам одамга nasib этиди.

Интернетдаги маълумотларга кўра, автоматлар шундай созланганки, қисқич маълум ораликда, масалан, 10-15 мартаба ўйналгандан кейингина ўйинчоқни қаттиқ ушлайди. Бу гапнинг ҳақиқат экани, ҳусусан, аппаратларда техник жиҳатдан алдов механизми борлиги эҳтимолдан холи эмас. Йўқса, дуч келган одам 2 минг сўм пул солиб, бир ёки икки уринишда 15-20 минг, баъзан 30 минг сўмлик ўйинчоқларни ютиб кетаверса, сармоясини бу бизнесга тик-




кан тадбиркорнинг иши барбод бўлмайди?

Яқинда кечки сайр чоғида Андижон шаҳрининг Сайгузар даҳасида – пиёдалар йўлаги бўйлаб ўрнатилган ана шундай иккита аппарат олдиди манзарани ярим соатга яқин кузатиб турдим. Бу орада тахминан 8-14 ёш атрофидаги ўғил-қизлар, ҳатто катта ёшдаги айрим одамлар ўйин ўйнаб омадини синаб кўрди. Бир неча уринишдан сўнг икки қишигина ўйинчоққа эга чиқди. Қолганлар эса – кимдир 4 минг, кимдир 6 минг, яна биттаси 10 минг сўм пулга куйиб қолаверди. Тахминан олти ё еттинчи синфда ўқийдиган – қай-

та-қайта уринса-да, ўйинчоқни илиб ололмаётганидан асабийлашаётган болани «Нечанчи марта ўйнайсан?» дея секингина саволга тутаман. «Бугун 50 минг пул солдим, ололмадим!» – юзимга қарамай, аллақандай жазавали оҳангда жавоб берди у.

Боланинг ҳаракатларини кузатиб, беихтиёр турли манбаларда ўқиганларим хаёдан ўтди. Яъни «Хватайка» шунчаки кўнгилочар машғулотдек кўринса-да, арзимас пул билан қимматроқ ўйинчоқни тасодифий ютиш умиди болаларни осон пул топишга ўргатиш баробарида, шу тоифа ўйинларга психологик қарамлик ҳам келтириб чиқаради. Бу эса бора-бора бугунги кунда жамиятнинг оғрикли нуқталаридан саналмиш «1xBet» ва шунга ўхшаш бошқа кимор турларига нисбатан қизиқишнинг илк поғонаси бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳар қалай, психологлар, қолаверса, соғлом фикрли кўплаб юртдошларимиз шундай ўйда.

Мавзунини ўрганиш давомида Андижон шаҳри ҳоқими Элёрбек Қаримовнинг 2026 йил 13 январь кунги – зикр этилаётган ўйин аппаратларини шаҳар ҳудудига вақтинча жойлаштиришга рухсат беришга доир қарори билан танишдик. Хужжатга кўра, «WELLTAXI» масъулияти чекланган жамиятига шаҳар ҳудудига 155 та локцияда ҳар бири 1 квадрат метр майдонда «Хватайка» аппаратларини ўр-



натиш учун бир йил муддатга ижозат берилган. Текинга эмас, албатта. Тадбиркор жойлаштириш учун белгиланган тўловларни ҳоқимликнинг махсус ҳисоброқамга ўз вақтида тўлаши шартли бўлади.

Гап йўқ, тадбиркорлик замони – кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги хатти-ҳаракатларга заррача ҳам эътироз бўлиши мумкин эмас. Бироқ наинки Андижонда, умуман, мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзаётган шу турдаги тадбиркорлик фаолиятининг миллият болалари келажакка, руҳиятига таъсирини, маънавий оқибатлари ҳисобга олинганми? Асосий ҳадиқ-хавотир шунда.

Нурилло НУЪМОНОВ
«ISHONCH»

Кузатув

Эълонлар

Erieltor

«Elektron Realtor» МЧЖ
тўғридан-тўғри музокаралар
ўтказиш йўли билан
ташқиллаштириладиган кўчмас
мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар
бўйича савдоларга таълиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан «O'zsanotqurilishbank» АТБ балансида бўлган куйидаги мулк қўйилмоқда:

- Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, А.Навойи номили МФЙ, Ойбек кўчаси, 4-уй, 29-хонадон.

Сотиш шартли ва нархи билан www.e-rieltor.uz сайти орқали, савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Телефон: +99855-517-22-20.
Расмий сайт: www.e-rieltor.uz

Хизматлар лицензияланган.

Қақшадарё вилояти давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасининг 30.06.1993 йилдаги 197-сонли буйруғига асосан Мирқасим матлубот жамиятига қарашли «Аралаш моллар дўкони» учун фуқаро Хидиров Умар номига берилган 649-сонли мулкка эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолгани сабабли «ҳақиқий эмас», деб ҳисобланган.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Юлдуз Турдиева ижросида
«Самарқанд ушшоғи»
Зебунисо газали

**Бийёки зулфи кажю чашми сурмасо инжост,
Нигоҳи гарму адоҳойи дилрабо инжост.
Қарашма – тезу, мижа – ханжару нигаҳ – алмос,
Шаҳодат ар талаби Дашти Карбало инжост.**

Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг ректорати ҳамда олий таълим муассасаси қасаба уюшмаси қўмитаси университетнинг «Психология ўқув-илмий маркази» бош илмий ходими Феруза Алимовага турмуш ўртоғи **Абдуманнон АЛИМОВ** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV

Musahih:
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:30
Topshirildi – 23:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-411
1 2 3 4 5 6